

ТОШКЕНТ ХАКУКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИЛИ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 25 апрель • шанба

№ 71 (10.320). Баҳоси 1 сўм.

КЕНГАШТАНГА КЕНТ ДУНЁ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг Бешкекдаги учрашуви

БЕШКЕК, 22 апрель. Бугун Қирғизистон Республикаси пойтахти Бешкек шаҳрига Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Жумҳурияси президентлари ташриф буюрдилар. Веш қондош ва қўшни давлатлар раҳбарларининг аянанага айланиб бораётган учрашувлари иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга моликдир.

Бу галги учрашув ташаббускори Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бўлди.

Манас аэропортида журналистларнинг саволларига жавоб бериб, Асқар Акаев учрашув чоғида муҳомама қилиниши кўзда тутилаётган масалалар юзасидан қуйидагиларни айтди:

— Биз амалга ошираётган ишларимиз, республикаларимиз кўламида белдланаётган тадбирлар юзасидан вақти-вақти билан учрашиб, маслаҳатлашиб туришимиз керак. Жумладан, собиқ Иттифоқ миқёсида амал қилиб келган иқтисодий муносабатларнинг барҳам топиб бораётгани, бу халқларимиз турмушига салбий таъсир эта-

ётгани жиддий масала сифатида бизни ташвишлантиряпти, бундан ташқари бозор муносабатларига ўтиш, пул-кредит масаласи каби муаммолар ҳам борки, бу сиз билан биз яшаб турган Ватан — Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқлари учун баб-баравар тааллуқдир. Учрашувимиз давомида яна шунга ўхшаган қатор масалалар хусусида кенгашамиз. Мақсадимиз битта, деди сўзини давом эттириб А. Акаев, ота-боболаримиз удумига кўра, муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал этмоқчимиз. Бозор иқтисоди муносабатларига ўтишнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига дахлдор ягона инфрасруктурасини яратиш бош мақсадимиздир.

Бешкек шаҳрининг Манас аэропортида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам журналистларнинг саволларига очиқ қўнғиллик билан жавоб берди. У Асқар Акаевнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, жумладан, бундай деди: собиқ Иттифоқ ҳудудида барча соҳада аҳвол мураккаблашиб бораётган бир

пайтда биз тез-тез учрашиб туришимиз лозим.

Нурсултон Назарбоев Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги сиёсий вазият ҳақида ҳам тўхталиб, биз, ҳаммича барча муаммоларни аҳиллик ва мулоқот йўли билан ҳал этишга интилиб келямиз, деди. Аммо ҳаммиша собиқ Марказнинг устунигига ўрганиб қолган бошқа айрим жумҳуриятлар бу масалаларда жўяли фикр-мулоҳазалар билан ҳисоблашмай иш тутишмоқда. Табиийки, бу аҳвол бизни қониқтирмапти. Ўйлайманки бу муаммолар ҳақида ҳам кенгашиб оламиз.

Куннинг иккинчи ярмида Бешкек аэропортига кетмакет Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Туркменистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниязовларнинг махсус самолётлари келиб қўнди.

Ислон Каримов ҳам, Сапармурод Ниязов ҳам бу ерга бир мақсадда — Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқлари ҳаётига оид барча масалаларни бамаслаҳат ҳал

этиш учун келганликларини таъкидлашди.

Ислон Каримов мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, қуйидагиларни айтди: биз ўзаро муносабатларимизни кенгашиб ҳал қилишимиз зарур. Шунга имонимиз комил. Шу йўлда хайрли қарарлар ташламоқдамиз. Россия федерацияси халқ депутатларининг кечагина ўзинини тамомлаган съездида кўрилган айрим масалалар ҳам бизнинг эътиборимизда ва бунга муносабатимизни ойдинлаштириб олишимиз керак, деб таъкидлади Президентимиз.

Бешкек шаҳрига ташриф буюрган меҳмонларни Манас аэропортида Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Аэропортда беш қардош мустақил мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турди.

Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Тўхтабой Гафоров учрашувда маслаҳат овози билан иштирок этмоқда.

фаолиятини мувофиқлаштириб туриш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Учрашув якунида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Президентлар журналистларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг Президентлари 23 апрель кунининг иккинчи ярмида Бешкекдан жўнаб кетдилар. Манас аэропортида уларни Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Ҳ. МИРЗАЕРОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

содий, маданий ва сиёсий тусдаги масалалар, тарихи, урф-одати ва тақдири бир бўлган халқларимиз ватани чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш, халқлар кадр-қимматини ҳимоялаш, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорлик масалалари анжуманининг бош мавзуси бўлди.

Бешкек шаҳридаги мазкур учрашув Олмаота, Тошкент ва Ашхобод шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувларнинг давоми сифатида халқларимизнинг бутун ва келажагига хизмат қилади.

Собиқ Иттифоқ миқёсида

юзга келган чуқур иқтирозни ҳамкорлик билангина бартараф этиш мумкинлиги учрашувда яна бир марта намоён бўлди.

Учрашув якунларига кўра қўшма Баёнот келишиб олинди ва имзоланди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш мақсадида ҳамкорлик тўғрисида мазкур давлатлар ўртасидаги битим лойиҳаси хусусидаги хулоса, ҳуқуқий ҳамкорлик негизлари тўғрисидаги битим, транспорт соҳасида ҳамкорлик принциплари ва ўзаро муносабатлар шартлари тўғрисидаги битим, темирйўл транспорти

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

НОИБЛАР МАЪҚУЛЛАШДИ

Ўтган куни Тошкент вилояти Ҳокимиятида ҳудудий депутатлар гуруҳларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаши вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев олиб борди. Вилотдан сайланган Ўзбекистон республикаси халқ депутатлари «Ўзбекистон республикасининг халқаро валюта фондига, таъмирлаш ва ривожланиш халқаро банкига, ривожланиш халқаро уюшмасига, халқаро молия корпорациясига, кўп томонлама сармоа ажратилиши кафолатловчи агентликка кириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳомама қилдилар. Лойиҳа мазмуни ва унинг жумҳуриятимизга берадиган имтиёзлари ҳақида республика молия вазирининг ўринбосари В. С. Беганов ахборот берди.

Халқаро молия ташкилотларига кириш муносабати билан олиндиган қарлар Ўзбекистон пахта толасини қайта ишлаш, мутахассислар тайёрлаш, халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини ривожлантиришга сарфланади.

Депутатлар гуруҳлари лойиҳани бир овоздан маъқулладилар.

Кенгашда республика Олий Кенгаши раёсати аъзоси, қурилиш, меъморчилик, турар жой-коммунал хўжалик ва ободонлаштириш қўмитасининг раиси А. А. Абдувосиқов иштирок этди.

КЎЧАТ БУТ БЎЛАДИ

КЕЧАГИ бўлиб ўтган ёмғирдан сўнг дов-дарахлар, дала ва боғлар янада яшнаб кетди. Пахтакорлар учун ҳам табиатнинг бу эҳсоний айти муддао эди. Экиб бўлинган пайкалларда чигит ётмасига унинг чигмоқда. Бу — ерни эшишга тайёрлаш, бароналаш, ёғат олиш ва ниҳоят энгуччи техникаларнинг вақтида сошлаб қўйилганлиги самарасидир.

Тракторчиларимизга ҳам минг раҳмат, — дейди Ўзбекистон ҳокимиятидаги «Ачамайли» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Исроил Анорбоев. — Улар роса ғайрат кўрсатишди. Ҳар бир соатини рағимат билишди. Шунинг учун ҳам сал кам 900 гектар майдонга чигитни тўрт иш кунинда экиб бўлди.

Мўл ҳосилга замин яратиш йўлида дастлабки қадам қўйилди. Бироқ ҳали асосий ишлар олдинда. Ҳозир шу ҳақда ўйламоқдалар. Бутун эътибор чигитларни бир текис ундириб, кўчатларни бутлаб олишга қаратилгандир.

Н. ИСАЕВ.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов 23 апрель кунини Бешкекдан Тошкентга қайтиб келди. У Бешкекда Ўрта

Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатлари бошлиқларининг учрашувида иштирок этди.

Тошкент аэропортида

И. А. Каримовни республика Бош вазир А. Муталов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент

шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎЗА).

Ўзбекистон-Туркия

БОШ ВАЗИРНИНГ САФАРИ

АНҚАРА, 23 апрель. (ПАТА—ТАСС). Туркия Бош вазир Сулаймон Демирел 27 апрель кунини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги сафар қилади. У ўз сафарини Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюришдан бошлайди, сўнгра Туркия Бош вазир Қирғизистон,

Қозоғистон ва Туркменистонга боради. Ўрта Осиёдан у Озарбайжонга йўл олади.

Анадўлу ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, ўзининг дипломатия сафарига жуда катта аҳамият бераётган Сулаймон Демирел, жумладан қуйидагиларни таъкидлади: «Биз

Ўрта Осиё республикаларига берган ваъдаларимизни бажарамиз, биз уларга мадад берамиз».

Ахборот маҳкамаси Бош вазир мусулмон давлатларининг раҳбарлари билан шу давлатлар билан ўрнатилган «самимий алоқаларни» янада кенгайтириш мақса-

дида музокара олиб боришни таъкидлайди. Анқарадаги сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, Туркия Республикаси ўзининг «Дунёвий демократияси ва эркин бозор иқтисодиёти билан мусулмон давлатлари учун гарб дунёсига ўтадиган ўзига хос кўприк бўлиши мумкин».




ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛЛАР ТЕХНИКУМИ — 60 ЁШДА

ТОШКЕНТ темир йўллар техникуми ташкил этилганлигига 60 йил тўлди. Утган вақт давомида уни 17 мингга яқин ёшлар ботириб, касб эгалладилар.

Суратларда: 4-босқич талабалари билан ўтказилган машғулотлардан лавҳалар.

Р. ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.



● Шахсий фикр

ЭШОН БОБОХОН ҲАЗРАТЛАРИНИ УНУТМАЙЛИК!

Азиз юртошлар!
Муҳтарам уламолар!
Матълумингизким, кейинги 60—70 йил давомида ҳаққоният дани бўлмиш ислом дини бизнинг сохта ва собиқ тузумимизда қаттиқ қувринга учради. «Дин — афъюн!», деб эътироф этилиб, аҳли мўмин тазйиқ остига олинди. Ҳатто фарзандга ўз волидан муҳтарамаси ё волиди меҳрибонининг жанозасида иштирок этиши таъқиқланди ҳам. Шундай номақбул тузумнинг рикорликдан иборат сиёсати даврида ҳам уз жони, нафақат уз жонининг, ҳатто аҳли аёлу қавму қариндоши ҳаловатини ҳам таҳликада қолишидан қўрқмай, дини ислом йўлида заҳмат тортган улуғ инсон ЭШОН БОБОХОН ибн АБДУЛМАЖИД ХОН (розияллоху анҳу!) ҳазратларининг табаррук номи, аҳли мўмин олдидаги мўтабар хизматлари ҳақида бир ҳолис мулоҳаза юритмоқ вақти келди, менимча. У зоти шариф Сталин давридаги қатағон ноҳақликларни «тотиб» кўрган бўлсалар-да, сира ортга чекинмадилар. Эшон Бобохон ҳазратларининг Ҳасни Имом мавзесидаги ҳозирги ибн Исмоил ал-Қаффолаш-Шошӣ (алайҳир-рахма!) кўчасига жойлашган хонадонлари Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари (ҳозирги Мовароуннаҳр) диний идорасига асос бўлганлиги айни ҳақиқатдир. Айнан шу зотнинг ташаббуслари билан юқорида номи зикр этилган диний идора (1943 йили) ташкил топди. Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари шу идоранинг ilk раиси — Муфтий бўлдилар.

Энди нисоф билан айтганда, Ҳазрат Эшон Бобохоннинг табаррук номлари абадийлаштирилмай қолиб кетса, биз — авлодларнинг ноҳолислигимиз эмасми?!
Ҳақондаги барча ислом давлатлари, ҳатто Амриқо, Олмония, Англия каби мамлакатларда ҳам Эшон Бобохон ҳазратлари исмини ҳурмат билан тилга олишлари бизга маълум. Наҳотки, биз ўз алломамизни, уламон кироимизни хо-

риждагичалик эъзозлай олмасак?

Ҳозир мустақиллигимиз эътироф этилди. Бизни дунё таниди. Исломпарвар давлатлар бизни қучоқ очиб қаршилаётир. Шундай тарихий даврда биз ҳам узимизни эркин-эркин танимоғимиз шарт. Шахсан мен ислом оламининг йирик номёндalarидан Имом ат-Термизий, Абу Бакр ибн Исмоил ал-Қаффолаш-Шошӣ, Хужа Аҳмад Яссавий, Зиёвуддин ибн Эшон Бобохоннинг табаррук хотиралари пойтахт Тошкентда абадийлаштирилишида бевосита иштирок этганман, қарор лойиҳаларини тайёрлаганман. Ҳозирги кунда пойтахт Фрунзе ноҳиясида (собиқ Чегрешевая кўчаси) Имом ат-Термизий; С. Раҳимов ноҳиясидаги (собиқ Янгиш ва Ленточная кўчалари бирлаштирилиб) ибн Исмоил ал-Қаффолаш-Шошӣ; Октябрь ноҳиясидаги (янги ташкил қилинган кўча ва 203-урта мактаб) Аҳмад Яссавий; С. Раҳимов ноҳиясида (собиқ «Бежинский» кўчаси) Зиёвуддин Бобохон номи билан юритилмоқда. Булар ёнига Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари номида яна бир кўча қўшилса, нур устига аъло нур бўларди. Шундан келиб чиқиб мен куйидагини таклиф қиламан:

Тошкент шаҳри Октябрь ноҳиясидаги ҳеч бир маъно касб этмайдиган «Урожайная кўчаси»га Эшон БОБОХОН номлари берилса, Чунки шу кўчада бу зоти шарифнинг набиралари, аваралари истиқомат қилдилар.

Юқоридаги таклиф юзасидан «Урожайная кўчаси» аҳли, Октябрь ноҳия Ҳокимлиги бир тўхтама келиб, ўз розиликлари ҳақида бизга — Тошкент шаҳар Ҳокимияти Атамалар комиссиясига маълум қилдилар, деб умид қиламиз.

Дилмурод САИДОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Атамалар комиссиясининг масъул котиби.

● Ҳаётӣ лавҳалар ●

МАРД ОДАМ ЭКАН

Саксоничи йиллар эди ўшанда. Чинозда янги мактаб очиладиган бўлиб қолди. Тантанага бордим. Кўчалар ораста, янги ойнаванд мактаб биноси қуёш нурида жидоланарди. Одамлар чехрасида табассум. Районнинг бутун катта-кичиги шу ерда. «Сирдарёдан қайтаётиб Шароф Рашидов кириб ўтар экан, кутяпмиз», дейишди менга. Гулдастлар кўтариб олган ўқувчилар сафларга тизилиб туришарди. Орадан ҳеччанча ўтмай, «ДАИ»чилар, улар ортдан ҳукумат машиналари этиб келди.

Машинадан Шароф ака тушиб келди. Гул тутган болаларни ўпиб, ўн қадамча нарида турган чоллар томонга йўл олди. Отахонлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, район катталари билан кўришди. Кейин яна отахонлар олдига қайтиб, улардан истакларини очиқ-ойдин айтишни илтимос қилди.

— Ҳаммаси яхши, жойида, — дейишди оталар, — кўчаларини рўпарада турган район катталаридан узмай.

— Тортинманглар, ҳар донм ҳам учрашавермаймиз-ку, — жуда бўлмаса бир-никита илтимослар бўлиши мумкин, — деди Ш. Рашидов.

— Қишлоғимизга водопровод келса яхши бўларди, — деди 70 ёшлардаги қария.

— Боғча тўғрисида ҳам сиз айтқолинг, — деди чолга бошқа бир тенгдоши, — мен гапни чувалаштирвораман.

Бояги отахон аёллар боғча йўқлигидан қийнаётганлигини тушунтириб берди.

Райнжроқум раиси узоқдан туриб кексаларга сал ўзгача қараш қилган эди, улар бошқа «муаммо» кўтаришмади.

— Шунча гаплар бор экан-ку, — ҳаммаси яхши дейсизлар, — деди Шароф Рашидович кулиб. — Ҳамма айтганинглар бўлади, отахонлар.

У кексалар таклифларини ёзиб бораётган ёрдамчисига таъкидлади:

— Илтимосларининг ҳаммасини қорозга тўлиқ туширинг.

— Ўғлим, — деди шунда оппоқ яктаклик, шоҳи белбоғли 80 ёшларни қоралаб қолган бир кекса, — дуо учун қўлингизни очинг, бир ниятим бор.

Шароф ака фотиҳа учун қўл очди. Уни кўриб биринкетин бошқа раҳбарлар ҳам қўл очдилар. Ота узоқ дуо қилди, миянатдорчилик билдирди.

Мактабнинг очилишига бағишланган митинг қисқа бўлди.

Кейин Шароф ака мулоим қиёфада, табассум ила ҳамма билан хайрлашди.

Орадан бир йил ўтгач, хизмат юзасидан яна Чинозда бўлдим. Ен дафтаримга номларини ёзиб олган отахонлар билан учрашишга тўғри келиб қолди. Шунда уларнинг илтимосларини эслатиб, натижаси билан қизиқдим.

— Барака топсин, катта-кичик одам экан, — дейишди чоллар, ҳамма айтганларимиз муҳайё бўлди.

— Ўғлим, — деди улардан бири — раҳбар деган элга гамхўр бўлса, номи абадий қолади. Худойим бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ярлақайди.

Ҳақ гап экан. Буни ҳозир элимизнинг Шароф ака руҳига бўлган эътиқоди, чин ҳурмати яққол кўрсатиб турибди.

Бу кампирни Тошкентнинг Инқилоб ҳиббони деб ном олган оромгоҳ атрофидаги катта кўчада тез-тез учратаман. У содда ва ораста кийинган, нўриниши мулоим. Серажин юзидан ҳали қизиллик аримаган. У билан сўзлашиб қолгудек

бўлсангиз, асло тиланчи демасиз. Ширинсўзлиги устига гаплари сермаъно. Узатган арзир-арзимас эҳсонингиз учун дилнингизда заррача гўбор қолмайди. Кампирнинг дуоларидан енгил тортасиз.

Ҳар гап ана шу онахонга дуч келганимда марҳум муҳарриримиз, қалби одамларга меҳр-мурувват билан тўлган, барваста гавдали, чехраси нузли, ажойиб дилкаш инсон Аҳмад Исмоиловни эслайман. Аҳмад ака шу тиланчи кампирни кўриши билан унинг қўлига дилдан чиқарганини узатарди. Кампир узундан-узоқ дуо қиларди. Муҳаррир эса унга миянатдорчилик билдириб, йўлда давом этарди.

— Инсоннинг бағри кенг, қўли очиқ бўлиши керак, азизларим, бу дунёда муҳтожлар, муштоқлар кўп, хайр-эҳсон билан уларга кўмаклашиб туриш лозим, — дерди Аҳмад ака.

Пиллар ўтди. Аҳмад Исмоилов ҳаётдан кўз юмган кезлар эди. Тиланчи кампирни бир кунги ўша кўчада учратиб қолдим. У мени таниб тез-тез яқин келди. Ҳар галгидек қўлини сал олдинга чўзганча мулоим сўзлари билан дилимни юмшата бошлади. Атаганимни унга

узатдим. Кампир дуодан сўнг бирдан сўраб қолди:

— Чиройли киши кўринмай қолдилар, ўғлим.

Гап Аҳмад ака ҳақида бораётганини билсам ҳам ҳар эҳтимолдан қайта сўрадим.

— Кимни айтаяпсиз?

— Сочларини силлиқ тараб юрадиган, гавдали, қорачадан келган, салобатли киши бор эдилар-ку.

— Ҳа, у кишимми... Бўлган воқеани айтдим. Кампир ўтириб йиғлади. Кейин ўша ерининг ўзида тиловат қилди. Сўнгра:

— Худо раҳмат қилсин, баҳолари йўқ одам эдилар, ҳаминша учратсалар хайр қилардилар, — дея йўлида давом этди.

Гоҳо тушлик пайтларида ҳамқасблар билан ҳибон атрофидаги кўчаларни айланамиз. Мулоим кампир юрган бўлади. Унга эҳсонимизни узатамиз дуо қилди. Аҳмад ака мудом сийлайдиган бу кампир эса кўзимизга олов бўлиб кўринади. Қалбимизда шоҳга ҳам, гадога ҳам бирдек бўлган «чиройли киши» — Аҳмад акага ҳам ҳурматимиз ортиб кетади.

Саидвали ҲАСАНОВ.

«ЧИРОЙЛИ КИШИ»

Русий забонлилар Ўзбекистондан қувғин қилинаётгани ҳақидаги хабарларни республика аҳолисининг аксарияти Москва рўзномаларидан ўқиб билмоқда. Одатда номи тилга олинмайдиган «Бир рус аёли» билан бўлган қисқа учрашувдан муҳбирларда туғилган таасурот асосида ёзилади бундай мақолалар. Шу жиҳатдан олганда кўпчилик муаллифларни бир қатор далилларни яхши билмасликда ёки ҳайрон қоларли даражада сохталаштиришда, баъзи ҳолларда Ўзбекистондаги вазиятни сиёсий таҳлил этишга қаратилган даъволарни шу сохта далиллар асосида мустаҳкамлашга уринишда айбаш ҳеч гап эмас.

Русларнинг анчагина қисми янги шароитда ўзини ноқулай ҳис этаётганини рад қилиш ўринсиз бўлур эди. Бунга сабаблар кўп. Республикада амалга ошириб келинаётган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсат баъзи қусур ва хатолардан ҳоли эмасдир, унда заиф ва лозим даражада пухта ишланмаган жойлар бордир.

Шунга қарамай Ўзбекистонда фуқароларнинг тинчлиги ва иноқлигини таъминлаш учун маъмурлар томонидан, бироз бўлсада масъулиятни сезадиган жамоат ташкилотлари томонидан ниҳоятда изчил, амалга оширилаётган қатъий йўл сезиларли натижалар бераётганини бирорта соф виждонли киши инкор этмаса керак.

...Москва матбуоти саҳифаларида гўё катта тўлқин мисоли вақти-вақти билан кўриниб қолаётган Ўзбекистондан ёзилган хабарларнинг мавзу жиҳатидан турли-туман бўлса-да, аммо мақсадни яна йўналиши бугунлай ўхшашлигига қараб бу иш келишиб, мувофиқлаштириб амалга ошириляпти деган фикр баҳсли туюлиши мумкин.

Бироқ, айтилик, Россия федерацияси халқ депутати Г. Старовойтовнинг Россия телерадиокомпанияси аҳборот дастурида Ўрта Осиёда БМТ кўшиқларига ўхшаш бўлинмаларни юбориш керак, чунки у ердан 3 миллиондан то 5 миллионга қадар қочоқ йўлга чиқиши кутилмоқда, деб берган баёнотини эшитган томошабинлар қандай ҳолатга тушишларини кўз олдинда келтири оласизми? Бундай хабар бутун мамлакатга тарқатилса, устига-устак Россия президентининг миллатлараро муносабатлар бўйича маслаҳатчисининг фикри асос қилиб кўрсатилса, беихтиёр вужудинг музлаб кетади.

Руслар, яҳудийлар ёки корейлар қувғин қилинаётгани ҳақидаги сафсатабозликдан иборат масъулиятчиларча баёнотлар нома-

ҳаллий аҳолининг ҳақиқий орзу-умидлари ва эҳтиёжларидан анча узоқ мақсадларда берилмоқда.

Нафсонияти кучли бўлиб турган бир қатор радикаллар ўзларини таҳқирланган «номаҳаллий озчилик ҳуқуқларининг ҳимоячилари» қилиб кўрсатишга, бу қадар нозик мавзуда нобоп воситаларни ишга солиб, сиёсий обрў орттиришга интиляётганликлари яққол билиниб қолмоқда. Бундай усуллардан Ўзбекистонда яшаётган русларнинг кўпчилиги ўз ватандошлари учун уялмоқдалар, уларни икки хил аҳволга солиб қўймоқда, маҳаллий аҳолида эса ҳайронлик ва алам пайдо бўляпти.

Чамаси, ҳамон ўзини «марказий» деб тушуниб келаятган баъзи нашрларда «Ўзбеклар иши» аломати ўтиб кетмаган кўринадди. Ўша-ўша калондимоғлик,

лик, жиноятчилик, ахлоқсизликдан кўз юмушга мажбур этадиган қандайдир нарсани излашга ихтиёр-беихтиёр жалб қилиниб қолдилар.

Ёнилги ашёси кенг қўламда ва такрор-такрор сиёсий кўриляётгани, у аланга олса, бир йўла ҳозирги ҳаётдан норози миллион-миллион одамларнинг қониқ-маслигини ҳам ёндириб юбориши, уларни бундан даҳшатлироқ силсилалар олдида қалтирашга мажбур этиши ҳақида тобора кўплай далиллар келтирилмоқда. Ана шундай манзара пайдо бўлиб турганида алоҳида олинган ҳокимликдаги порахўрлик ёки махсус паёнклар ва махсус поликлиникаларни абадул-абад тугатиш хусусида берилган, эндиликда эса умуман унутилиб юборилган ваъдалар тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмайди-да.

дан ҳам кимларнингдир сиёсий нафсониятлари йўлида гаровга айланадилар.

Довдирамаслик керак: «Вести»ни олиб борувчи, ҳар нарсани биладиган ва ўзини бенуқсон устоз сифатида кўрсатиб, Ўзбекистондан олинган далилларни афдар-тўнтар ҳолда талқин этувчи устаси фаранг Ю. Ростовнинг шунчаки беозор бўлиб кўринган шарҳи иссиқ кетаётгани йўқ. Бу ерда қай бири устун — ўзига ўта ишонилми, ҳаддан ташқари одобсизликми ёки фарзли ниятми — унчалик муҳим эмас.

Бундан ташқари ёмон пардаланган давлатчилик оҳанги миллий онгда салбий томонларни уйғотмоқда. Шунинг учун ҳам жойлардаги нисбатан хотиржам турмуш икир-чикирларида миллатчилик шабадаси эсиб тургани яққол сезилаётган Москва публицистларининг

нотни эслашнинг ўзи кифоя. Бу гап ўртача турмуш даражаси собиқ иттифоқ бўйича ўртача олинган кўрсаткичдан 2—3 баравар паст бўлган Ўзбекистон ҳақида айтилган.

Ўрта Осиёдаги русий забонли аҳоли бордию бирор нарсдан чўчиётган бўлса, бундай ҳадик аввало Россия ҳукуматининг оқибатини айтиб бўлмайдиган ҳатти-ҳаракатларидандир. Нима қилиб бўлса ҳам, ҳатто ўзининг яқин қўшилари билан қадимий ва анъанавий яхши муносабатларни поймол этиш ҳисобига атлантика уйдан паноҳ топишга интилиш, янги тарздаги сиёсий устиворликни намоиш этиш, россия публицистикасининг яширинмаган калон димоғлиги Ўзбекистонда яшаётган руслар учун «оқ уй» ва эски майдондаги инсон ҳуқуқларининг бақирок ҳимоячиларидан кўра кўпроқ маҳаллий аҳолининг дошмандлигига ва маъмурларнинг амалий ишларига умид боғлаш учун асос бўляпти.

Собиқ иттифоқнинг умуман ислом динидаги қисми билан, хусусан икки миллиондан ортиқ русий забонли фуқарога (ёки ҳар 10 кишининг бири) яшаб турган Ўзбекистон билан яхши қўшничилик, ҳурматга асосланган ўзаро муносабатлар ҳақидаги масала Россия учун ўзининг фаровон яшаши ҳақидаги масала ҳамдир. Айни пайтда бу Ўзбекистонда бир ярим аср мобайнида чуқур илдиш отган руслар, украинлар, беларуслар ва бошқа миллат вакиллариининг ўзларини яхши ҳис қилишлари ҳақидаги масаладир.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Ўрта Осиёдаги собиқ Иттифоқдош республикалар ўрнида янги сиёсий давлат тузилмаларини барпо этиш тарихан қарор топган турли туман алоқаларнинг гоёт мураккаб йиғиндисини бекор қилмайди, айни пайтда тенг ҳуқуқли ва дўстона асосларда узоқ муддатга мулкдорланган муносабатларнинг мутлақо бошқача, янада юксакроқ даражасини тақозо этмоқда. Бунда сиёсий лўттибозлик ва собиқ «кичик ора»га баланддан туриб ақл ўргатишга бирон-бир тарзда уринишга йўл қўйилмаслиги керак.

Вячеслав ТАРБЕЕВ,
Тошкент шаҳри.

(«ПРАВДА» рўзномасининг 1992 йил 23 апрель сонидан).

АЛАНГА ОЛСА, ҲАММАМИЗ ЁНИБ КЕТАМИЗ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РУСЛАР ВА РОССИЯЛИК АҚЛ ЎРГАТУВЧИЛАР

ўша-ўша ақл ўргатиш руҳи ҳукмрон.

Масалан, «Известия» «тоталитар» Ўзбекистонга нисбатан жунбушга келиб ёзилган мақолаларни бир неча бор босди. Ўз-ўзидан равшанки, бугунги кунда энг демократик ҳисобланган рўзномадан, унинг фикри билан айтганда, коммунистик одалардан ҳали тўлиқ қўтила олмаган республикани севишни талаб этишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бироқ, бошлиқларга хос бақиринлар, дағал услуб билан пардаланган найранглар Тошкентда бундан буён ўтмай-диган бўлиб қолган. Эски «Правда»нинг эскириб кетган ўриндиқларига тобора чуқурроқ жойлаша бошлаган «Известия» муҳаррирлари эндиликда қора отлиққа чиқиб қолган диаматнинг вақт орқага қайтмайди, деган қондасини унутиб юборганга ўхшайдилар.

Эҳтимол, биз бу ерда ижтимоий онга таъсир кўрсатишнинг яна битта, ўтмишда синаб кўрилган воситасига дуч келаятгандирми? Бу гап у сохта демократия қиёфасида.

Матбуот эркинлиги шифори остида намоён бўлмоқда. Баъзи таҳририятлар одамларни чалғитадиган, халқда наватдаги инқилобий қайта қуришдан тобора кучайиб бораётган норозиликни пардалайдиган, тинмай авж олаётган қашшоқлик, порахўр-

мана шунинг учун ҳам «Тошкентдаги очлик исёни», «Ўзбекистонда давом этаётган қатағонлик», «Чамадонни устида ўтирган руслар» ҳамда исломнинг хавф-хатар ҳақида тинмай гапириверип — мана шуларнинг барчаси ҳажми турлича бўлган рўзномалардан тарқатилаятгани, сабаб-оқибатига кўра ҳам турлича бўлса-да, қулоқни қоматга келтирувчи ягона ўқ галадонидан чиқётгани аниқ.

Одамлар тез-тез ўзларига савол бермоқдалар: шундоқ ҳам ёмонат бўлиб турган иноқлик кемасининг мустаҳкамлигини қачонгача синаш мумкин?

Ҳар қандай можародан фойдаланиб, нима қилиб бўлса ҳам сиёсий курашда ўз вазифаларини ҳал этиб қолишга уринаётган кучлар Ўзбекистонда йўқ, дея олмаймиз.

Шубҳа зарралари бутун ижтимоий вазиятга сингиб кетган бир пайтда баъзан оддий жоҳилликдан кўп маъноли хулосалар чиқарадиган, уларни ўзининг тағи заиф сиёсий йўл-йўриқларига таъин сифатида илгари сурадиган устемонлар ҳам топилиб қолади. Ана шундай ҳолатларда руслар чин-

ижодларида баъзида мунофиқлик кўзга ташланапти. Айтиш мумкинки, республикага муносабатда қанчалик кўп одобсизлик қилинаётган бўлса, русий забонли аҳолининг аҳволи ҳам шу қадар мураккаб ва икки хил бўлиб қоляпти.

Ўзбекистон аҳолисининг анчагина қисмида, демократик рўзномалардан бирининг хабар беришча, «Россия худди ўз оёқларига боғланган тошлардан ҳоли бўлганда. Ўрта Осиё республикаларини улоқтириб ташлашга интиляпти, бу билан ўзининг турмуш кечиршини энгиллаштириш» деган хулоса асосли эканлигига ишонч пайдо бўляпти. Бу фикрни Хива ва Қўқон хонлиқларини қайта тиклаш имконияти ҳақидаги тахминларга ўхшаб муаллифларнинг фантазиялари қаторига шунчаки қўшиб қўйса ҳам бўларди. Бутун кулфат шунданки; журналистлар бу ҳолда ўзларига хос бўлиб кўринаятганлари йўқ. Мазкур гоё россия баъзи раҳбарлари ва парламент аъзоларининг калласини тез-тез банд қила бошлади. Лоақал Ўрта Осиё халқлари гўё россияликларга қараганда 4—5 баравар яхши яшамоқдалар, улар бечора россияни таламоқдалар, деган баъ-

ЕРГА меҳр, ихлос Мансур Русалиевни ҳўжаликнинг тадбиркор деҳқонларидан бирига айлантирди. У 1972 йилдан буён пахтачилик жамоасига етакчилик қилади. Ҳар йили режасини ошириб бақаради. Шу йиллар давомида ноҳиядаги энг илгор жамоалар сафидан ўрин олди.

Ижарага ўтилгач, бу усулга ўз жамоаси аъзолари билан биргаликда биринчилар қаторида қўшилди. Бириктилган ерларни беш йил муддатга ижарага олдилар. Шартнома тузилгач, унинг ҳар бир бандига қатъий амал қилиш қонуни қилиб қўйилди. Йил сайин натижалар яхши бўла бошлади. Масалан, совхоз бўйича ҳар бир гектар ердан

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

500 сўмга яқин соф фойда олинганда унинг бригадасида бу кўрсаткич 1300 сўмданга тўғри келди. Ижарачиларнинг ойлик маошлари кескин кўтарилди. Чунки ҳосилдорлик юқори бўлган эди. Ҳар гектаридан режадаги 27 центнер ўрнига 33 центнердан хирмон кўтарилиб, жами 365 тонна сифатли пахта сотилди. Етиштирилган ҳосилнинг 285 тоннаси машинада терилди. Ялпи даромаднинг тахминан 330 минг сўми ижара ҳақида тўланди. Қолган 600 минг сўмга яқин пул жамоа аъзоларига иш ҳақи тариқасида бўлиб берилди. Бу

ҳақ жамоада ишловчи 45 одамнинг ҳар бирига ишлаб чиқаришга қўшган улушига қараб тақсимланди.

Мансур ака ерни ижарага олгач, фақатгина пахта етиштириш билан чекланмади. Бошқа экин турлари учун ҳам ер ажратилди. Сабзавот, қовун-тарвуз, қарам, шол, чорвага озуқа бўладиган экинлардан ҳам юқори ҳосил олинмоқда.

Тушлик учун ҳамма масаллиқлар ўзларидан чиқари. Чунки жамоанинг кичик фермаси ҳам бор: 1989 йилда ҳўжаликдан 6 минг сўм қарз олиб, бир неча новвос ва сигир сотиб олин-

ган эди. Ўтган уч йил давомида қарздан қўтилдилар. Фермадаги моллар сони 15 тага етди. Шундан 6 та сиқ зотли сигирлардир. Бир вақтлари Мансур ака чорвачилик фермасида ишлаган эди. Ўша пайтда орттирган тажрибаси қўл келди. Ўтган йили бригаданинг ҳар бир аъзосига 20—25 килограммдан давлат нархидан анча арзон баҳода гўшт тарқатилди.

Ҳозирги пайтда ижарачиларнинг 5 та: 2 та ишлов бериш, 2 та транспорт ва 1 та ҳайдов трактори бор. Бу транспортлар келгуси йилда тўлиқ бригаданинг мулкига айланади. Чунки шартномага мувофиқ барча механизмларнинг қиймати 5 йилда қопланиши керак.

Бу иш ҳам муддатидан илгари амалга оширилади.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари кўкламги экин мавсумини уюшқонлик билан ўтказиш учун қизгин иш олиб бормоқдалар.

Эриштиляётган ютуқларда ҳамманинг ҳиссаси бор. Айниқса, механизатор Камол Усмонов, Муҳаммад Усанов, транспорт ҳайдовчиси Абдуфаттоҳ Тошматов, сувчилардан Собир Нурматов ва бошқа ўртоқлар баракали меҳнат қилмоқдалар.

А. ҚОДИРОВ,
Веқобод ноҳиясидаги «Далварзин» шўро ҳўжалиги.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

«ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон нишилар даври.
8.25 Италия тили.
8.55 «Биринчи тайм». Стол тенниси бўйича бошловчи спортчиларга сабоқ.
9.10 «Пилигрим». Россия сўхатлар бюроси.
10.10 «Ўз ишининг усталари». Е. Гоголеванинг Б. Пастернак ҳақидаги хотиралари.
10.30 Кундузги сеанс. «Севги изҳори». 1 ва 2-сериялар.
12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

15.00 Болалар халқаро мусиқий фестивали.
16.15 Трансросэфир. «Диққат-этиборда оила».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Хулқ-атвор».
18.10 «Мансаб алифбоси».
18.25 «Россия билан юзма-юз».
18.40 «Сиз яратган боғ».
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 Спорт хабарлари.

19.40 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 37-серия.
20.30 «Бугунги Буюк Британия».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Бешикчи гилдирак». Бадий-публицистик кўрсатув.
23.05 «Джаз-клуб». Гитара-блюз-сейшн».

12.40 Дехқонларга тааллуқли масала. «Фермерлар тақдирини».

15.00 «Простор...» Телебирна.
15.30 «Рост» студияси. «Т» программаси.
16.00 Христианлар учун кўрсатув.
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Вариацияли мавзу. «Муסיқа билан учрашув».
2-кўрсатув.

18.10 «Қалит». Тарихий ахборот кўрсатуви.
18.25 «Россия билан юзма-юз».
18.40 Асра ва авайла. «Россиянинг овлоқ жойларида». 1-қисм.

19.10 «ЭКС» кўрсатуви.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 38-серия.
20.20 Сузиш бўйича МДХ чемпионати. «Олимпийский» спорт комплексининг суҳавасидан кўрсатилади.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
